



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ




**XVI сағоси**  
аср Барча мабалардан олтинга сўнги хабарлар

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 146 (9.641) 2001 йил 14 декабрь, жума ◆ Сотувда эркин нархда

## ЕВРОПАГА ЙЎЛ ЕВРОПАНИНГ ҚАЛБИДАН БОШЛАНАДИ



**Хабар қилинганидек, Президент Ислам Каримов 10-12 декабрь кунлари расмий ташриф билан Австрия Республикасида бўлди.**

Ғарбда Австрия — Европанинг юраги, дейдилар. Бу ўлка Европанинг қоқ марказида жойлашган. Лекин фақат жүғрофий омиллар туфайлигина унга бундай сифат берилмаган. Австрия катта-катта халқаро анжуманлар ўтадиган, Шарқий ва Ғарбий Европа мамлакатлари ўртасида кўприк вазифасини бажарадиган мамлакатдир.

Австрия ўзининг бетакорор маданияти, осори атиқаси билан ҳам Европанинг қалби, деган ном қозongan. Асрлар давомида барпо этилган мейморий обидалар, яратилган тасвирий ва мусиқий асарлар мамлакатни дунёга танитган.

Ислам Каримовнинг бу ўзал мамлакатга расмий ташрифи ноанъанавий тадбирдан бошланди. Президентимиз аввал Австриянинг собик Федерал канцлери, айни пайтда ишбилармонлар уюшмаси раҳбари Франц Враницкий билан учрашди. Сўхбат мавзусини асосан иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган амалий сай-ҳаракатлар билан боғлиқ масалалар ташкил этди.

Хофбург саройида Президент Томас Клестил билан бўлган учрашув нихосида эса ўзаро иқтисодий алоқалар кўламини кескин кенгайтирадиган қелишувларга эришилди. Юк ташии соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжат товарлар оқимини оширишга хизмат қилди, йўлда учрайдиган турли тўсиқларни бартараф этади, транспорт воситаларининг ҳаракатини осонлаштиради.

Темир йўл компаниялари ўртасида қабул қилинган ҳужжатнинг қамрови ҳам жуда кенг.

Австрияда сайёхлик соҳаси юксак даражада ривожланган. 8 миллион нуфусли мамлакатга йилга 20 миллионга яқин хорижий сайёх келади.

Ислам Каримовнинг ташрифи чоғида «Ўзбекитуризм» миллий компанияси билан Австриянинг «Olimpia Rescen Vienna» ҳамда «Wind Rose» сайёхлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битимлар қабул

қилинди. Австрия Сайёхлик агентлари ва операторлари уюшмаси билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Венада қабул қилинган яна бир ҳужжат эса таълим соҳасига тегишли. У Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан Вена университети ўртасида ҳамкорликни йўлга қўяди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, Ислам Каримовнинг Австрияга ташрифи гоёт самарали кечди ва фойдали натижаларга бой бўлди. Унинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, Австрия раҳбарлари билан учрашувларда томонлар қўлпа масалаларда ҳамфикр эканлиги аён бўлди. Бу эса ўзаро ишонч мустаҳкамлигини кўрсатади. Президент Томас Клестил 11 сентябрь воқеаларидан кейин дунё мамлакатларининг диққат маркази Марказий Осиёга қаратилгани ҳақида гапирар экан, Ўзбекистоннинг халқаро ҳавфсизлик масалаларига муносабати, бу борада юрифтаган мустақил сиёсати, хусусан, халқаро аксилтеррор коалициясига қўрсатилган ёрдами гоёт муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Австрия раҳбари минтақамизга таҳдид солувчи омилларни жуда яхши билади ва Ўзбекистоннинг бу борадаги нуқтаи назарини, қарашларини эътироф этади.

Сиёсий муносабатлардаги ўзаро ишонч ва эҳтиром, табиийки, иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун яхши пойдевор бўлади. Президент Ислам Каримовнинг айтишича, айни пайтда икки мамлакат мутахассислари ишбилармонлар учун алоҳида қулайлик ва имтиёзлар тартибини жорий этиш, австриялик тадбиркорларнинг Ўзбекистонга визасиз келиб-кейтиши учун имконият яратиш масалалари устида ишламоқда.

Таъкидланганидек, Австрия — Европанинг юраги. Ислам Каримовнинг сафари Европага унинг қалби орқали кириб бориши миз учун янги имкониятлар яратди, десак асло муболаға бўлмайдими. (ЎЗА)

**СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Австрия Республикаси Президенти Т. Клестил (ўнгда) ва Федерал иқтисодиёт палатаси президенти К. Ляйтл. Мухаммад Амин олган сураат.**

### Мамлакатимизда

- Қашқадарё вилоят ҳокимлигида «Ўзбекистон юксалиш йўлида» деб номланган туркум китоблар тақдими ўтказилди. «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган ушбу китобларда Президент Ислам Каримовнинг мустақил ўзбек давлатини барпо этиш ва ривожлантиришга қаратилган сиёсати кенг очиб берилди, Ватанимизда 10 йил мобайнида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, аҳолининг янги турмуш тарзи ҳақида ҳикоя қилинади.
- Тошкентда АҚШ савдо ва тараққиёт агентлиги (USTDA) билан Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзтибмахсулот» акциядорлик компанияси ўртасида ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.
- Мамлакатимизга қалқонсимон без касалликларини даволаш учун доридармонлар билан тўлдирилган контейнер келтирилди. У Марказий Осиёда иқтисодий ислохотлар ва ривожланиш лойиҳаси (PERDCA)нинг Тошкентдаги манзилига АҚШ Шимоли-ғарбий шифокорлар лигаси (Northwest Medical Teams) томонидан юборилган.
- Бекободда Темир-терсак, қора ва рангли металл чикиндиларини қайта ишлашга тайёрлаш ҳамда топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.
- Жиззах шаҳрида «Маҳалла ва ёшлар маркази» ўз фаолиятини бошлади.
- Янгийўл пахта тозалаш заводи маҳсулотлари хорижа хусусан Англия, Франция, Россия сингари мамлакатларга йўл олди.
- Қўнғирот туманида Қорақалпоғистон Республикаси тadbirkор аёллар ассоциацияси ишбилармон аёлларнинг умумий йиллик ишчилик мавзусида семинар ўтказди.



### Жаҳонда

- Буюк Британиядаги Лафборо университетида Ўзбекистон тақдими бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикасининг Лондондаги элчихонаси кўмағида «Умид» жамағармаси талабалари ташкил этишди.
- Бугун Харьковда Украина ва Россия Федерацияси Президентлари Л. Кучма ва В. Путин ўртасида учрашув бўлиб ўтади. Президент **кеча** ўз ишчи бошлаган Украина-Россия бизнес форумида қатнашади.
- Бугун Россия Федерацияси Бош вазири Н. Касьянов Жанубий Америка бўйлаб сафари доирасида Венесуэлага ташриф буюради.
- «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар беришича, **кеча** АҚШ ҳайит-хаво кучлари Афғонистондаги Тора-Бора туманида жон сақлаётган террорчиларга қарши олиб бораётган амалиётларини янада фаоллаштирди.
- **Кеча** «Ал-Қаида» ташкилоти аъзоларидан бири Ал-Заваҳри Би-Би-Сига интервью берар экан, «Биз ва бин Ладин Афғонистон тарк этмаймиз. Ўз жониға қасд қилиш — бизнинг бош мақсадимиз», деган.
- **Кеча** Афғонистоннинг ўтиш давридаги муваққат ҳукумати раҳбари Хамид Карзай Кобулга келди.
- **Кеча** Исроил ҳукумати Фаластин етакчиси Эсир Арофат билан барча алоқалар бутунлай тугатилганини маълум қилди.
- **Кеча** Ҳиндистон парламенти биноси ёнида мамлакат ҳарбийлари билан олти нафар жангари ўртасида отишмалар бўлиб ўтди.
- АҚШнинг «Нилсен НетРейтинг» фирмаси маълумотиға қараганда, дунё бўйича Интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонин жорий йилнинг учинчи чоғида 15 миллион қишга кўпайган.
- Грециянинг Патра шаҳрида бўлиб ўтган юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионатида 58 киллограмм вазн тоифасида гиламга чиққан ўзбекистонлик полков Дилшод Орипов олтин медални қўлга киритди.
- Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Санкт-Петербургда қайтиб келишди. Ушбу шаарда тазавнод бўйича бўлиб ўтган Европа очиқ чемпионатида ўзбекистонликлар еттига олтин, бешта кумуш ва еттига бронза медалларини қўлга киритишди.

### Қисқа сатрларда

- **ТОШКЕНТ** Давлат техника университетида бўлиб ўтган анжуман Президент Ислам Каримовнинг «Тинчлик учун курашмоқ керак» деб номланган китобининг муҳокамасига бағишланди ва анжуман иштирокчиларига терроризмининг муҳими башарасини фотс этувчи видеофильм намойиш этилди.
- **ТОШКЕНТ** Давлат юридик институтида МДХдан ташриф буюрган ҳуқуқшунослар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда «Суд-ҳуқуқ ислохотлари: назария ва амалиёт» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.
- **ЮНОСОБОД** туманидаги Фуломмаҳмуд Абдуллаев номи маҳаллада фаоллар иштирокида бўлиб ўтган «Баркамол авлод — келажикимиз пойдевори» мавзусидаги давра сўхбати Тошкент шаҳар ҳамда Юнособод туман Маънавият ва маърифат марказлари, туман «Маҳалла» жамағармаси ҳамкорлигида уюштирилди.
- **СЕРГЕЛИ** туманидаги 322-мактабда ўқувчилар иштирокида туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан ўтказилган тадбир «Миллий истиқлол гоёси: назария ва амалиёт» деб номланди.

## Меҳр-мурувват, шукроналик айёми



Индинга бутун ислом оламида бўлгани сингари шоир таъбири билан айтганда гар кўрма са куёш соғинадиган юртимизда ҳам меҳр оқибат, шукроналик айёми — Рамазон ҳайити қувонч билан байрам қилинади. Истиклол шарофати ила барчамиз ана шу улуг айёмни зўр шодоналик билан нишонлаймиз. Бу кўтулуг айём яна шуниси билан шукрулики, бир ой рўздан кейин — жисмонан ва руҳан энгил тортиб, Рамазони шарифнинг ўттиз кунлик рўзасини баркамол адо этиб, муборак Йўдул Фитр — Рамазон ҳайитининг файзу баракоти қалбларимизни ва хонедонларимизни мунаввар айлашини Яратгандан сўраб турибмиз.

Маълумки, Рамазон ҳайити кунларида барчамиз бир-биримизни ана шу шукроналик айёми билан табриклаб, табарруқ отахон-онахон-

ларни, қариндош-уруғларни бориб кўриш, ёр биродарларни зиёрат қилиш, мискин ва беморлар ҳолидан хабар олишдек, бу дунёдан кўз юмганларни хотирлашдек ажойиб удумлارни бажаришга одатланганмиз. Иншооллох, индинги Рамазон байрами — Ҳайит куниди ҳам ана шундай бўлади. Хар биримиз мана шундай улуг кунларга соғ-саломат, эсон-омонлик билан етиб келганимиз учун Яратганга ҳамду санолар айтиб, ундан юртимизнинг янада гуллаб-яшнашини, барчамизға фаровон ҳаёт, бахт-иқбол, тинчлик-хотиржамлик бардавом бўлишини сўраб қоламиз.

● Рамазон байрами — Ҳайит айёми муносабати билан Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳром билан сўхбатни газетанинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.



Шукроналик.

Тоҳир Нигматуллин олган сурат.

## Сўранг, жавоб берамиз



*Мен ўзимнинг 2 хонали хонадонимни онамнинг уйларига яқин бўлган 3 хонали хонадонга қўшимча ҳақ тўлаш шарти билан айирбошламоқчиман. Айтингчи, бу ҳолатда давлат божига қандай ундирилади?*

М.Усмонов

Хонадонларни айирбошлаш шартномаси тузилаётганда давлат божига инвентар баҳоси юқори бўлган хонадоннинг нархида олинади ва бу вақтда қўшимча ҳақ миқдори ҳам ҳисобга олинган умумий сумма ҳисобидан 10 фоиз миқдорда ундирилади.

*Ён қўшимиз кекса, бунинг устига касалманд, тез-тез даво-ланиб туради. Яқинда айла ҳам бетоблашиб қолди. «Ён қўшини — жон қўшини» деб ҳаммаша улардан хабар олиб тураемиз. Ачинарли-си шуки, қўшимизнинг уй-жой қилиб чиқиб кетган ўғиллари бор. Лекин улардан хабар олишмайди. Бундай фарзандларга нисбатан ҳам қонуларимизда бирон нарса дейилганми?*

Ш.Азизова

Оила кодексининг «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ота-онасига таъминот бериш мажбурияти» деб номланган 109-моддасида ёзилишича: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар туғрисида гамхўрлик қилишлари шарт». Шунингдек «Ота-онага бериладиган таъминот миқдори ва тартиби» хусусидаги 110-моддасида эса: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади», дейилган.

Боланинг ўз ота-онаси олдида бурчлари кўп. Кексайган ота-онанинг оғирини енгил қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, меҳр-муҳаббат кўрсатиш ҳар бир фарзанд учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

*Фарзандсизлик туфайли никоҳни бекор қилмоқчи бўлган келин-куёв судга мурожаат қиладими ёки ФХДгами?*

Б.Пулатова

Агарда фарзандсизлик туфайли никоҳ бекор қилинмоқчи бўлса, бундай ҳолатда эр-хотин ўртасида ҳеч қандай мулкӣ низо бўлмаса, ҳар икки томоннинг розилиги билан никоҳ ФХД ё бўлими орқали ҳам бекор қилиниши мумкин.

*Қонун бўйича биринчи навбатдаги меросхўрларга кимлар киради?*

М.Ёкубов

Мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотин) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киради.

*Баъзан корхона раҳбарининг топшириғига биноан дам олиш ва байрам кунларида ишлашга тўғри келяпти. Бундай иш учун ҳақ тўлашнинг тартиби қандай бўлади?*

С.Исаев

Меҳнат қонунинда кўрсатилишича ходимларга байрам кунларида ишлаганлари учун иш ҳақи оширилган миқдорда тўлиниши лозим.

*Маҳаллаларда хонадонларга газ ўлчагич асбоблари қўйилмоқда. Ҳар бир хонадон учун бу мажбурийми?*

Б.Суломонов

Маҳаллалардаги ҳар бир хонадонга газ ўлчагич асбоби қўйилиши керак. Бунда табиий бойлигимиз бўлган газни тежаб-тергаб, исроф қилмаслик, ундан оқилона фойдаланиш кўзда тутилган. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, вақтида тежаб-тергаб газдан фойдаланаётган хонадонлар давлатга ҳам, оила даромадига ҳам фойда келтирмоқдалар.

**Жавоблар Юнусобод туман 6-Давлат нотариал идораси нотариуси Икромжон ИСМОИЛОВ ва тахририят ходимлари томонидан тайёрланди.**

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар!** Ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан 136-55-83 телефонида кўнгирок қилсангиз малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

## ПОКЛАНИШ

# Қутлуғ кунлар шукӯҳи

**Яратганга минг шукӯрки, Муборак Рамазон ойининг рӯзасини тўтиб, Ҳайит байрами кунларига соғ-саломатлик, тинчлик ва омонликда етиб келдик. Индинга юртимизда Рамазон ҳайити байрами бошланади. Шундай қутлуғ кунлар арафасида биз Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси, муфтий Абдурашид қори Баҳромов билан учрашиб, муборак Рамазон ойининг фазилатлари туғрисидаги дил сўзлари ва мустақил юртимиз фуқароларига табриklarини қозоғга туширдик.**

— Аллоҳ таолога беадад ҳамду сано бўлсинким, Муборак Рамазон ойининг рӯзасини тугатиб, Ҳайит байрами кунларига соғ-саломатликда, тинчликда етиб келганимиздан бағоят мамнуним.

Авалло шуни қувонч билан таъкидлашни истардимки, ушбу қутлуғ кунларда ҳар йилгидек муборак ҳаж сафарига борувчи фуқароларимиз учун катта қулайлик, зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорининг чиқиши нур устига аъло нур бўлди. Унга кўра бўлғуси ҳожиларнинг сафар харажатлари учун АҚШ долларлари имтиёзли равишда алмаштириб берилиши, Тошкент-Жидда-Тошкент йўналишидаги авиачипталар нархининг арзонлаштирилиши ва бошқа қулайлик ҳамда имтиёзлар давлат томонидан фуқароларимизнинг виждон эркинлиги борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга бўлган муҳим эътиборнинг ёрқин намунаси.

Буюк Истиклол шарофати ила барчамиз мана шундай улуғ айём ила бир-бирларимизни сидқидилдан муборакбод этиш шарафига муяссар бўлиб турибмиз. Аллоҳ хузуридаги ойланинг энг афзали, барака, раҳмат ва мағфират ойи бўлмиш муборак Рамазон шарифининг ўттиз кунлик рӯзасини мукамал адо этишликни насиб этмоқда. Бу покляниш ойда қилган ибодатларимиз, тугган рӯзаларимиз, хайрли амалларимиз, масжидларда ўқиган хатми Куръон ва таровех намозларимизни, шунингдек, саҳар чоғида қилган дуо-ю илтижоларимизни Аллоҳ таоло ўз даргоҳида қабул айлаб ўзининг туганмас гайбисидан қўздан-қўп ажру савоблар ато қилсин.

Маълумки, рӯза Куръони карим, Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) нинг ҳадислари ва ижмоъ уммат билан собит бўлгандир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Куръони каримнинг «Бақара» сураси 183-оятда **«Эй мўминлар! Такволи бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам санокли кунларда рӯза тутиш фарз қилинди»**, дея марҳамат қилади.

Пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) бир ҳадиси шарифларида марҳамат қилиб: **«Кимки Рамазон ойда рӯзанинг фарзига ишонган ва Аллоҳ таолонинг розилигини истаган ҳолда рӯза тутса, унинг ўтган гуноҳлари кечиради»** — деди-лар.

Аллоҳ таоло Куръони каримда:

**«Парвардигорингизни сизга ато этган неъмат-ти ҳақида бошқаларга айтиб бering»** — деган. Демак, Яратганнинг шунча неъматларига мушарраф бўлиб турган эканмиз, бу ҳақда ҳар доим, ҳар кимга гапириб, унинг шукӯрини адо қилишимиз лозим бўлади.

Маълумки, Рамазон ойи покляниш ойи. У айни чоғда, Рамазон ҳайити кунларида кўзга янада яққол ташланади. Бу кунда барча мусулмонлар бир-бирларини муборакбод этиб, табарруқ отахон-онахонларга узоқ умр, имон, ёшларга тавфиқ рушди хидоят тилашади. Қариндош-уруғларни, ёру биродарларни зиёрат қилдилар, ўз яқинлари ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Бу кунда шундай хайрли ишлар ҳар бир эзгу ниятли кишиларнинг қалб аҳтиёжига айланади. Бирор сабабга кўра арзлашган, гина-қудуратли таниш-билишлар ҳам ҳайит кунларида бир-бирларига қучоқ очдилар, ўзаро узр сўрашадилар. Чунки кечиримли ва меҳр-оқибатли бўлиш ҳар бир мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

...Рамазон ҳайити байрам бўлгани учун бу кунларни ўзига хос, муносиб ҳолда яхши ўтказиш лозим. Марҳумларни ёдлаш ва руҳларига дуои-хайр қилиш жоиз, лекин бу ҳайит байрамга таъсир кўрсатмаслиги даркор. Мўмин мусулмонлар фақатгина шу Рамазон ҳайити кунларида эмас, балки йил давомида бир-бирларига бўладиган муомала-ю муносабатларни яхши қилмоқликлари лозим. Шунингдек Аллоҳ таолонинг уларга берган неъматларидан хайр эхсон этишлари керак. Саховатпеша кишиларимиз муҳтож одамларга, мисқину фақирларга ёрдам қўлларини чўзмоқликлари даркордир.

Бу улуғ айёмни элу юртимизда меҳр-оқибат, ўзаро биродарлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳиммат ва саховат каби аъналаримиз тобора мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда кўтаринки руҳ билан кутиб олаётганимиз янада қувонарлидир.

Муборак Рамазон Ҳайити муносабати билан барча фуқароларимизни чин дилдан муборакбод этаемиз. Ватанимизнинг истикболи порлоқ, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом, халқимиз фаровонлиги янада зиёда бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

Аллоҳ таборака ва таоло ҳаммиса озод ўлмаганига осойишталик, халқимизга файзу барокот ато этсин!  
**Дилшод ИСРОИЛОВ сўхбатлашди.**

Куз-қиш мавсумида ўткир респиратор касалликлар авж олиши туфайли ҳар йили республикамызда махсус дастур асосида муҳофаза тадбирлари кенг қамровли ва комплекс равишда олиб борилади.

Тошкент шаҳар эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ана шу масалага бағишланди. Унда пойтахтда жорий йилнинг октябрь ойидан бошлаб

## Гриппдан сақланинг

грипп ва ўткир респиратор касалликларнинг олдини олиш бўйича қилинаётган амалий ишлар батафсил ўрганиб чиқилди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врач Сайдмурод Сайдалиев Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси қошида куну тун ишлайдиган грипп эпидемияси-

га қарши штаб ташкил этилгани, пойтахтда ўткир респиратор касалликларнинг ҳолати мунтазам таҳлил қилинаётгани, ҳозирги кунгача аҳолининг гуруҳли касалланиши ва локал хуржлар қайд этилмагани, шу жумладан ўтган вақт ичида грипп касаллиги билан бемор аниқланмагани ҳақида маълумот бериб, ҳозирги пайтда асосий эътибор жой-

ларда гриппга қарши эмлаш ишларига қаратилаётгани устида алоҳида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда пойтахтда эпидемик мавсум даврида барча кучларни сафарбар қилиб, белги-ланган чора-тадбирларни вақтида ва тўлиқ бажарилиши, айниқса жойларда профилактик-дезинфекция ишларини кучайтириш, грипп ва ўткир респиратор

касалликларни олдини олиш учун яратилган шарт-шароитлардан тўғри фойдаланиш кераклиги уқтириб ўтилди.

Эпидемияга қарши кураш фавқулодда комиссияси йиғилишини Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, комиссия раиси Рустам Қурбонов олиб борди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**  
**Матбуот хизмати.**

## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

# МАҲАЛЛА — ОТА-ОНАНГ

Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг саҳифаси

2002 — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

## Кўнглим фахрга тўлди

Тоҳир ота ЭГАМБЕРДИЕВ,  
меҳнат фахрийси, пенсионер:

— Ёшим 87 да. Ҳозир нафақада бўлсамда бекор юрмайман. Кўндан келганча фарзандларимга ёрдам бериб тураман. Ёшларимизнинг турли давлатларга бориб илм олиб келаётгани, хунар ўрганиши биз қарияларни жуда севинтиради. Уларнинг илми, маърифати ва соғлом бўлиши учун ҳукуматимиз юксак даражада эътибор бериб келаётганлиги кишини мамнун этади. Юртбошимизнинг ҳар бир маърузасини телевидение ва радио орқали эшитиб, газеталардан ўқиб кўнглим кўтарилади.

Кечагина Конституция байрами муносабати билан ўтказилган йилгилишни кўриб ўтириб, 2002 йили — Қарияларни қадрлаш йили деб Юртбошимиз эълон қилганларида, кўзларимдан севинч ёшлари оқди. Умр бўйи меҳнат қилдим, 9 та ўғлим бор, ҳаммалари уйли-жойли, набира, звара, чеваралар ардоғидаман. Фарзандларим ақли, ҳушли, эл-юрт ишида юришибди. Бизни йўқлаб, қадрлаб, қилган хизматларимизни эъзозлаб, қариялар кўнглини тоғдек кўтарган Юртбошимизнинг азиз бошлари омон бўлсин.

**МУНОСАБАТ**

## Имкониятларни ишга соламиз

Фотиҳ АСКАРОВ,

Шайхонтоҳур туманидаги

Хувайдо маҳалласи фуқаролар йиғини раиси:

— Конституциямиз қабул қилинган кўннинг 9 йиллигига бағишланган тантанали йилгилишда Юртбошимиз тинчлик-осойиштагликни мустаҳкамлаш, одамлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтириш, ёшлар тарбияси йўлида ибратли ишларни амалга ошираётган маҳалла фаолиятига ҳам катта эътибор ва ишонч билдирди. Жумладан: «Бизда шундай бир ноёб, бетақдор ижтимоий бошқарув идораси борки, уни ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди. Бу — юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва айниқса, мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизимидир», — деганларида юрагимиз фахрга тўлди.

Биз, маҳалла фаоллари билан биргаликда Президентимиз томонидан айтилган фикр-мулоҳаза, тақлифларни алоҳида ўрганиб чиқдик. Дарҳақиқат, маҳаллада олиб борилаётган ибратли ишларни бўшаширмаган ҳолда, ҳар бир фуқаронинг онги, маънавий савияси, ҳуқуқий маданиятининг юксалиб боришига, ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўла англайдиган бўлишларига ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Маҳаллада посбонлар тизимининг йўлга қўйилиши, коммунал тўловларининг бизда ўз ечимини топиши, кам таъминланган оилалар ва фарзанд тарбияси билан машғул бўлган оналарга нафақаларнинг маҳаллалар орқали тўланиши, тинчлик-хотиржамликни сақлаш, одамлар ўртасидаги баҳамжиҳатликни таъминлашдаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ошиб бориши, бу юртимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиб борилаётганидан далолатдир.

Биз барча имконият ва кучларимизни бирлаштириш йўлида яна кўпроқ ишлашга ва юрт равнақи йўлида эзгу ва савобли ишлардан чарчамасликка қарор қилдик. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Ўзини ўзи бошқаришнинг халқимизга хос ноёб усули бўлган маҳалла жамоатчилик назоратини ташкил этишда ҳам шундай салоҳият ва имкониятларга эгаки, биз улардан ҳали-бери тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Бинобарин, бу борада ҳам кўп ишлашимиз керак». Ушбу имкониятлардан фойдаланишга эса биз оқсоқоллар бош-қош бўлишимиз керак.

## Ибратли ҳамкорлик

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Хумоюн» маҳалласи Ўзбекистондаги Польша маданият маркази билан кўндан бери алоқа боғлаб келмоқда. Марказ йўли билан бу ерда катор маданий тадбирлар амалга оширилди.

Марказ раиси Ирэна Тагиева бошчилигида тўзилган концерт гуруҳи томонидан уюштирилган томошалар ҳам маҳалла аҳлига манзур бўлмоқда.

Навбатдаги бундай учрашувда маҳалла ижодий гуруҳга химмат кўрсатди. Маҳалла клубидаги мусикали хона марказ раисининг ўғли Валентинга репетиция учун ажратиб берилди.

Бу истеъдодли йигитча ҳозир Тошкентдаги эстрада-цирк коллежид таҳсил олмоқда. Бу хона унинг ижодий иш билан шуғулланиши учун жуда қулай жойга айланиб қолди.

Ақбар АЛИЕВ

Ҳамза туманидаги Аҳмад Назаров номли маҳаллада Германия Федератив Республикаси томонидан тайёрланган «Фавкулдда вазиятларда фуқароларни қутқариш бўйича инсонпарварлик ёрдами» дастурининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

**ТАҚДИМОТ**

## Германиядан келтирилган анжомлар

Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулдда ва Мухтор элчиси Мартин Хеккер маҳалла оқсоқоли Собир хожи Комиловга ёнғин хавфи туғилган пайтда ишлатиладиган асбоб-ускуналар ва ўт ўчирувчилар кийим-кечагини топширди. Бу анжомлар маҳаллада кўнглили ўт ўчирувчилар гуруҳини ташкил этиш имконини беради. Элчи шунингдек мамлакатимиз билан Германия ҳукумати ўртасида дўстлик ва қардошлик алоқалари йил сайин кучайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлади.

Маросимда Берлин шаҳри Ёнғиндан сақлаш бошқармаси вакили Питер Вагнер, Берлин—Бранденбург округи техник ёрдам кўрсатиш бошқармаси вакили Берид Соммедмиер йирилганларни ўт ўчириш асбобларининг ишлаш йўллари билан таништирди.

Тақдимот маросимида Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихсителила Ақромов, шаҳар Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Аъзамжон Гадоӣбоев, шаҳар Фавкулдда вазиятлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари С.Жигалин, Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Эркин Жуманов ва бошқалар сўзга чиқиб, кўрсатилган хурмат ва дўстона ёрдам учун немис дўстларга миннатдорчилик билдирди.

Ўткир САИДОВ,

Тошкент шаҳар

Фавкулдда вазиятлар

бошқармасининг

матбуот котиби.

## Суллола давом этмоқда

Маҳалла азал-азалдан одамлар бошини қовуштириб, ҳамдард, ҳамкор бўладиган, кексалари улуғланиб, уларнинг бой ҳаётий тажрибаси ёшларни эзгу ишларга ундайдиган тарбия маскани ҳисобланган. Мустақилликка эришганимиздан кейин маҳаллаларга бўлган эътибор янада кучайди, кўп минг йиллик тарихга эга бўлган миллий хунармандчилик анъаналари ривожланди. Шаҳримизнинг қайси бир гўшасига борманг қўли гул усталаримиз қалб кўри билан юзага келган бири-бирдан гўзал бешиклар, беланчаклар, чопонлар, зардўзлик буюмларини кўрганда кўзимиз қувнайди.

Шаҳримизнинг Юнусобод тумани Жомий маҳалласида истиқомат қилувчи Тура ака Ҳақимовлар оиласи ҳам авлодлар сулоласини давом эттириб хунармандчилик касбини улуғлаб келаётганлардан.

— Қайси ўзбек хонадонига кирсангиз бешик, беланчак ва болалар қаровотида ором олиб ухлаётган болажонларга кўзингиз тушади. Уларни кўриб асрлардан асрларга ўтиб келаётган миллий кадрларимиз, яхши урф-одатларимизни сақлаб қолиш ва келгуси авлодларга етказишга хизмат қилаётганимиздан кўнглим фахрга тўлади, — дейди Тура ака. — Бешикчилик касби бизга ота мерос, биз бешинчи авлод вакилларимиз. Дадам раҳматли кўлимга илк марта пойтеша ушлатиб иш ўргатганларида ўспирин йигитча эдим, мана йиллар ўтиб ўзим ҳам уста бўлиб етишдим. Олти ўғил, бир қизим бор, ҳаммалари ота касбини давом эттиришмоқда. Набираларимга, маҳалламиздаги ёшларга ҳам хунармандчилик касбининг сир-асрорларини ўргатмоқдаман.

— Заҳматли, айни вақтда жуда керакли касбимиз билан

фахрланаман, — дейди катта ўғил Миркамол. — Жуда ёшликдан бу касбга меҳр қўйиб ўрганганман. Отам бизга жуда талабчан устоз бўлганлар. Касбимизнинг сир-асрорини мукамал ўргатиб, ўз ишининг моҳир устаси бўлиб етишишимиз учун ҳаракат қилардилар. Мана, биз беш ўғил ота касбини давом эттириб, одамлар орасида «Қўли гул уста» номига эришдик. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизни «Чорсу»даги хунармандлар растасида жойлашган дўконимизда сотамиз.

— Мухбир қизим, мен ҳам бир оғиз гап айтай, — дея гап бошладилар шу хонадон соҳибаси, Тура аканинг умр йўлдошлари Матлуба ая. — Меҳнат қилган одамни элда азиз қилаётган, биз каби оналарни, кексаларни эъзозлаётган Юртбошимиз соғ-омон бўлсинлар.

Шоира МУҲАМЕДОВА  
СУРАТДА: Тура ака Ҳақимов ўз невараси билан янги ясалган бешикларни кўздан кечирмоқда.

Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.



**ТАДБИРЛАР**

## Тараққиётимиз асослари

Яқинда Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармасида Конрад Аденауэр фонди, Швейцария ҳамкорлик ва тараққиёт агентлиги, Ўзбекистон «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ва «Заковат» тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳам-

корлигида «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролик жамияти тараққиёт асоси» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Унда Тошкент шаҳри ҳамда вилоятларда шу мавзуда ўтказилган семинарларда қатнашган тадбиркорлар, фермерлар, ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, ёшлар ва журналистлар гуруҳининг энг фаол иштирокчилари қатнашдилар.

Орзугул РУСТАМОВА

Шарқ дурдоналари

# ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОНО БУЛАВ...

- Хар бир нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калити — мисин факирларни севшидир.
- Кимки қилмишига пушаймон бўлиб, уэр сўраган одамни кечириб юборса, унинг хатоларини ҳам тангри қиёмат куни кечирур.
- Қайси бир мўминга Тангри солиҳа хотин насиб қилган бўлса, демек унинг дённатининг ярмига ёрдам қилди. Қолган иккинчи ярми учун унинг ўзи ҳаракат қилсин.
- Шайх Саъдий айтди: қўлларингни хайр-эҳсонга узат. Зулм, очкўзлик ва таъмағирликка йўл берма. Ҳеч кимга адоват қилма, гина ва адоватни кўнгилдан чиқар. Бир ишнинг лутф ва мулоимлик билан ҳал бўлиши мумкин экан, кўпол сўзлашга, қизиқонлик қилишга нима ҳоҷат бор? Куч-қувватинг жойида, хар нарсанг етарли бўлса муҳтожларга ёрдам қилишга, аламзалларни дарад-алам бандидан озод этишга ҳаракат қил. Жонивор, ҳайвонлардан ҳам меҳр-шафқатингни дариғ тутма.
- Ҳикоят: улуг ва мард одамлардан Шайх Шиблий қишлоқдан шаҳарга тушиб бозордаги бир дон дўкондан бугдой сотиб олди, уни бир идишга солиб, елкасига қўйиб қишлоғига қайтди. У ўз манзилига етгач идишни очиб қаради. Идиш ичида бир чумоли хайрон саргардон бўлиб, идишнинг у ёқ бу ёғига югурди, инини, Ватанини изларди.

Шайх Шиблий у чумолига раҳми келиб, тонг отгунча кўзига уйку келмади. Эртаси кун эрталаб идиш ичида инини қидириб юрган чумолини олиб шаҳарга тушди. Бугдой сотаётган одамнинг дўкони ёнига келиб халиги чумолини қўйиб юборди. Чумоли дўкон ёнида ўрмалашиб юрган ўртоқларига қўшилиб ўз инига кетди. Шайх Шиблий буни кўриб:

— Бечора чумолини инидан жудо қилиб, овора паришон қилишим муруватдан эмасди, уни ўз инига келтириб қўйиб кўнглим тинчиди, шодликка тўлди, деб севинди.

«Шохнома» асарининг муаллифи Фирдавсий:

— Донларни табиби юрвчи чумолини ҳам ранжитма, чунки хар бир жониворнинг жони ўзига шириндир.— дейди. — Кўнгли қора, багри тош бўлган киши хатто чумолини ҳам ранжитишга, бехузур бўлишга рози бўлади. Ожизларга зўравонлик қилиб, уларни ранжитма. Бир кун чумоли каби ўзинг ҳам оёқ остида бўласан.

Байт:

**Ҳаёт — доно тарбиячи, устоз муаллим, Авлодларга мерос қолғай у берган таълим.**

- Яхши устоз яхши шогирдлар етиштиради.
- Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш ҳислатларини уйғота билган устоз шарафларга лойиқ.
- Устоз шогирдини ҳаётга тайёрламоғи учун, аввало ўзи ҳаётни чуқур билимоғи лозим.
- Илмни ўрганиб, сўнг уни бировларга ўргатмаслик гўёки молу давлатни йиғиб, уни сарф қилмай, кўмиб қўйиш билан барбордир.

- Ўз устозининг ҳурматини жойига қўймаган ва уни эъзозламаган шогирд илмдан ҳеч қачон фойда топмайди.
- Шогирднинг ўз муаллими олдаидаги одоблари шундан иборатки, у ўз муаллими олдаида жим ўтиради, кўп гапирмайди, устоздан изн бўлмагунча ҳеч бир масала ҳақида сўрмайди. Устознинг гапларини бўлмайди, тортишмайди, унинг олдаида бошқа кишилар билан сўхбатлашиб, кулишиб ўтирмайди. Устози унга қараб гапирётганда хар томонга кўз ташламай устознинг кўзига қараб туради. Устозда чарчаш аломатлари зоҳир бўлса, ўқиш ва гапиришни тўхтатади, ўрнидан турса бирга туради. Уйига етмагунча йўлда саволга тутмайди, устоз бирор иш қилганда ёқимсизроқ туюлса, эътиқодини ёмон қилмайди, чунки устоз кўп нарсани билади, эҳтимол шогирдининг ақли етмаган нарсани қилгандир.

Байт:

**Ҳақ йўлида ким сенга бир харф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганч ила.**

- Ховлиқиш, шошилиш пушаймонликнинг сингилси. Шошма-шошарлик пушаймонликдан ажралмайди, шошилиш бўлган ерда надомат ҳам бўлади. Шошма-шошар бўлмасанг мурдинг осонлик билан ҳосил бўлади.
- Ўз мартаба ва даражасини билмаган, ўзини ҳаммадан юқори тутган киши эътибор ва илтифотдан соқитдир, ҳеч ким уни кўзга илмайди.
- Машҳур олимлардан Жалолиддин Мухаммад айтди: — Бир бой киши хизматкориға ўзининг зийнатли асбоблари, насл-насабини сўзлаб, улар билан мақтанди. Бойнинг сўзларини хизматчиси рад қилиб, шундай жавоб берди. — Сиз чиройли, қимматбахо кийимлар қийиб, ўзингизга зийнат бергансиз, у зийнат сизда эмас, кийимлардадир. Минган отингиз билан мактансангиз зийнат, комиллик сўзда эмас, отингиздадир. Ота-боболарингиз фазилатлари билан ифтихор қилсангиз, у фазилатнинг эгалари улардир, сиз эмассиз. Агар ўша фазилатларнинг эгалари ўз ҳақларини қайтариб олсалар, сизга ҳеч нима қолмайди. У фазилат сизга ўтмагани сабабли қайтариб олишинг ҳоҷати ҳам йўқ. Бошқаларнинг зийнатлари билан зийнатлана олмайсиз. Хулқ-авторингизни тутатинг, фазилатли бўлинг. Мана бу ўз зийнатларингиз бўлади. У вақт ўз зийнатингиз билан ифтихор этишга ҳақли бўласиз.

Байт:

**Бу пандимни эшит, фарзанди содиқ, Билиб иш қил насиҳатга мувофиқ.**

# Оила шифокори тизими — илк қадамлар

Маълумки, ҳозирги кунда шахримиз туманларида 1998-2005 йилларга мўлжалланган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурини бажариш юзасидан, жумладан поликлиникаларда оила шифокори тизимини жорий этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Акмал Икромов туманидаги 8-оилавий поликлиникада оила шифокори хизматининг ташкил этилиши янги тизимнинг истиқболли ва самарали эканлигини далилат бермоқда. Келаси йилдан бошлаб шахримиздаги бешта тажрибавий поликлиникада оила шифокори тизимини жорий этиш ишлари амалга оширилади.

Собир Раҳимов туманида 8 та маҳаллада истиқомат қилувчи 15 миң аҳолига хизмат кўрсатаётган 34-оилавий поликлиника негизда 2002 йилдан бошлаб туман бўйича дастлабки оила шифокори тизими жорий этилади. Туман ҳокимлигида касалхоналар, оилавий поликлиникалар бош шифокорлари, бўлим бошлиқлари, бош ҳамширалар, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссияларининг раислари иштирокида ўтган йиғилиш ҳам соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда оилавий поликлиникаларнинг умуммалиёт шифокорлик фаолиятига, яъни оила шифокори тизимига ўтиши масаласига бағишланди.

— Оила шифокори ўзига бириктирилган оиланинг ижтимоий шароити, турмуши, иқтисодиёти, руҳий ҳолати, унинг аъзолари қандай ҳасталиқларга чалингани, бир сўз билан айтганда уни тўлалигича ўрганиши керак бўлади, — деди жумладан янги тизимнинг моҳияти тўғрисида сўзлар экан 34-оилавий поликлиниканинг бош шифокори Шахзода Алимова. — Оилада янги фарзанд туғилиши билан оила шифокори назорати бўлади, унга эса ҳамшира ёрдам беради. Оиладаги мавжуд сурункали касалликларни ўрганиб чиқиш, ногиронлиқнинг сабабини ўрганиш ва унинг олдини

олиш, она ва бола билан боғлиқ тиббий масалаларни ҳал қилиш, оила паспортини тайёрлаш оила шифокорининг асосий вазифалари доирасига киради. Беморга ташхис қўйиб, касаллиқнинг олдини олиш эса оила шифокори фаолиятининг бош мақсадиридир. Оилада бошланаётган касаллик тоғилса, тор соҳа мутахассислари, лаборатория-диагностика текширувлари оилавий поликлиникаларда ўтганидан кейин ҳасталиғига қараб даволаш учун у турли соҳаларга ихтисослашган марказларга юборилади.

Сўнг бош шифокор оилавий поликлиникада янги тизимга ўтиш ишлари қай тарика амалга оширилаётгани, янги тизимда ишлаш учун нечта шифокор ва ҳамшира тайёрлангани, маҳаллалар билан қандай тартибда ишланаётгани тўғрисида маълумот берди.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи Миралӣшер Исмолов оиланинг, тиббий соҳадаги ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилаётган янги тизимнинг ҳуқуқий-меънарий ҳужжатлари, йўналишлари ишлаб чиқилганини, олий ўқув юртларида 2 йилдан буён умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш йўлга қўйилганини таъкидлаб, поликлиникалар билан шифокорлар ўртасида узвий боғлиқликка эришиш лозимлигини билдирди, янги тизимнинг стандартлари, шифокорларга қўйилган талаблар тўғрисида батафсил маълумот берди.

Амир Темур маҳалласининг оқсоқоли Абдувот Тошпулатов эса маҳалланинг бу тизимга қанчалик эътибор эканлигини айтиб ўтди.

Тадбир сўнггида оила шифокорлари, ҳамширалари ва Англия усулида тайёрланган умуммалиёт шифокори учун амалий қўлланмалар топширилди. Ушбу масала юзасидан яна бир бор муҳокама ўтказишга келишиб олинди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

## БЎШ ВАҚТИНГИЗДА

### Бошқотирма

**Айланма буйича:** 1. Марказий осийлик алома ва иходкорлар ҳақидаги «Сайёҳ олимлар» асарини ёзиб қолдирган таниқли ўзбек географ олими. 2. Ўзбек халқ эртаги. 3. Мўйнаси учун овланадиган сувда ва қуруқликда яшовчи жонивор. 4. Ўзбек футбол юлдузи, терма команда сардори. 5. Гузаллик, лафотат. 6. Ширадор, сөрсүз хўл лева. 7. «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» романи муаллифи, Тожикистон халқ ёзувчиси. 8. Мушуксимонлар оиласига мансуб, йирик ва кучли йиртқич.

**Ёйлар буйича:** 9. Айлана билан ўралган юза. 10. Украина республикаси худудидидаги вилоят. 11. Дарахтзор маскан. 12. Йирик саноат ёки ҳунармандлик корхонаси. 13. Шамол кучи билан ҳаракатланадиган транспорт воситаси. 14. Италиядаги шаҳарга номдош, машҳур футбол команди. 15. Кавказ ортидаги дарё, Кура irmoғи. 16. Қамшизор ботқоқлик ери.


**Муаммонома**  
Шакл марказидаги рақамларни юқорида таърифланган сўзлар умумлаштириб муаммоноmani ҳал этинг. Улардан ибратли сўзларни билиб олишга муваффақ бўласиз.

**Тузувчи**  
**Фозилжон ОРИПОВ**

### Бу — қизиқ!

- Қуёш хар дақиқада Ер юзасидан бир миллиард тонна сувни буғлатади. Хар дақиқада сув буғи Ер атмосферасига шунчалик катта миқдорда энергия узатадики, бунга энергиянинг хар бири миллион киловатт қувватли 400 миллионта электр станцияси ишлаб чиқариши мумкин.
- Ер кўррасининг учдан икки қисмини сув эгаллайди.
- Бу заминнинг ёши 15 миллиард йилга тенг. Тўғрироғи 2 миллиард ва 15 миллиард йиллар орасида коинот бугунги ҳолига келган.
- Қуёш бир соғияда 20 километр, 1 соатда 72 миң километр тезликда Вега юлдузига томон ҳаракат қилади. Бу демекки, биз бир кунда 2 миллион километрга яқин йўл юрмоқдамиз.
- Қуёш ўз тизими билан бир-галикда галактикамиз атрофида соғиясига 250 километр тезликда айланади ва 200 миллион йилда айланиб бўлади.
- Қуёшда хар соғияда 584 миллион тонна водород моддаси гелийга айланмоқда ва шу тўфайли қуёш атрофда иссиқлик ва нур таратмоқда. Бироқ қуёшдаги водород миқдори чегараланган. Ҳўш, ундай бўлса, қуёшдаги иссиқлик яна қанча вақтга давом этади?
- Илмий тадқиқотларга кўра заҳирадаги водород қуёшнинг яна 5 миллиард йил порлаб туришига етар экан.
- Қуёшнинг нурлари бизга саккиз дақиқада етиб келади. Сомон йўлининг бир учидан иккинчи учига эса, бу нурлар юз миң йилда боради.
- Биз яшаётган Ер Сомон йўли ичида бир чанг зарраси каби кичик.
- Қуёш уч қатлам — фотосфера, хромосфера ва тож қисмидан ташкил толган.

Қидирбой Тўлабоев тўплаган.



### Газетанинг шу йил 30 ноябрь сониди берилган бошқотирманинг жавоблари:

1. Арафот. 2. Мақол. 3. Гилос. 4. Отабек. 5. Қасида. 6. Адолат. 7. Айлана. 8. Афанди. 9. Шарбат. 10. Этиқдуз. 11. Мақбара. 12. Улуғбек. 13. Тижрат. 14. Лабиринт. 15. Саксувал. 16. Камалак. 17. Адабиёт. 18. «Тирлиш». 19. Асалари. 20. Исмамоқ. 21. Таннарх. 22. Занжир. 23. Афсона. 24. Карнай.

Айланаларда: Ақл билан адаб, жисм билан жон.

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Буюртма Г-3107.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар — 133-28-95, 133-11-39;  
факс: (3712) 133-29-09

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳақми — 2 босма табоқ оғрефт усулида босилди. 2668 нусxada босилди. Когои биринчи А-2

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида Юрғадми билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиқларига ёки «Тошкент почтачига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оққомининг компьютер марказида терилиб ва сақидфаналани.

«Шарқ» нашриёт-нашба акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Тошхирлиди 12.00

1 2 3 4 5 6